

ЮЁНдан мантиқ ва дедукцияга асосланган казуслар

1. Кассадаги ўғрилик

Полиция инспекторига ўғрилик ҳақида хабар берган кассир куйидагиларни гапириб берди: “Очиғини айтганда, ҳеч нарсани тушунмаяпман. Дўконни ёпа туриб кассадаги пулларни қайта ҳисоб-китоб қилаётган эдим. Бирдан хона қоронғилашиб, чироқ ўчиб қолди. Мен стулни кўйиб, амал-тақал қилиб стулга чиқиб, лампочкани ушладим. Кучли куйиш оқибатида стулдан йиқилиб тушдим. Ҳушимдан кетган эканман. Кўзимни очсам, ҳаммаёқ бетартиб. Пуллар йўқ. Бу ҳақда телефонда полицияга хабар бердим. Ҳамма гап шу”.

Полиция инспектори кассирни ўғирликда айблади ва унинг айтиб берганларини уйдирмага чиқарди. Чунки ...

2. Ўғирланган икки ғоз

Фрау Пепприх кўшнисиникидан уйга қайтаётганида ҳовлисининг эшиклари очиқ эди. Ўғри нимагадир ҳамма ғозларни олмай, фақат иккитасинигина олиб кетибди. Демак, уни кимдир огоҳлантиришга улгурган. Фрау кўшнисиникидан чиқаётганда кимдир хуштак чалганини эшитиб қолган. Ўша атрофда турган бир йигит инспекторнинг эътиборини тортди. Йигит эса мотоциклини кўрсатиб, ҳозиргина тўхтатганини айтди. У кўлидаги мотоцикл шамчасига ишора қилди. “Гапларингиз бир-бирига унча тўғри келмаяпти”, - деди инспектор, - “Яқинлашаётган байрам кунларида ғоз ўрнига қамоқхона емагидан ейишингизга тўғри келмаса бўлди ишқилиб”, - кўшиб кўйди инспектор.

Инспектор нимага бу йигитдан шубҳаланди?

3. Меҳмонхонадаги шов-шув

“Грюне Танне” меҳмонхонасида катта қабул маросимига тайёргарлик кетмоқда экан. Официант охириги марта ертўлага вино етарли-етарли эмаслигини кўриш учун тушганда вино захирасининг ярми йўқ эди. Дарҳол етиб келган полиция инспектори меҳмонхона бошқарувчисини, официантларни, ошпаз, қолган меҳмонхона ходимлари ва меҳмонхонада яшовчиларни сўроқ қилиб чиқди. Ҳеч қандай аниқлик йўқ. Шундан сўнг хоналарни айланиб чиқа бошлади. Хоналардан бирида икки киши шахмат ўйнаб ўтирар эди. Улар шахмат бўйича спорт устаси бўлиб, бир неча соатдан кейин бошланадиган турнирга эрталабдан тайёрланиб ўтирганларини

айтишди. Инспектор узр сўраб, чиқиб кетаётганида бир нарсага кўзи тушиб қолди. Бу ҳолат унда шахматчиларга нисбатан шубҳа уйғотди. Бу нима эди?

4. Пул илинжида

Инспектор келганида Мюллер стулга арқон билан қаттиқ боғлаб қўйилган эди. Инспектор келганидан хурсанд бўлиб кетган Мюллер тунда қандайдир нотаниш кимсалар келиб, уни боғлаб қўйиб, рафиқасининг барча қимматбаҳо буюмлари ва тақинчоқларини ўмариб кетишганини сўзлаб беради. Мюллер рафиқаси ҳозир сафарда эканлигини, гарчи улар суғурта қилинган бўлсалар ҳам, турмуш ўртоғи сафардан қайтгунигача унинг қимматбаҳо тақинчоқлари топилиб, жойига қўйиб қўйилишини хоҳлаётганини айтади. Инспектор уни диққат билан тинглар экан, Мюллер тонг отишини интизорлик билан кутганини, қийналиб кетганини, эрталаб почтачи газетани эшик тирқишига қистираётганида ундан полицияга хабар беришини қаттиқ илтимос қилганини тўлиб-тошиб гапириб берарди.

- Рафиқангиз сизни жуда маҳкам боғлабди, лекин суғурта пулини олиш илинжида ёлғондан уюштирилган ўғрилик учун ҳам жавоб беришингизни биласизми? – сўради инспектор.

Инспектор бу ўғрилик уюштирилган эканлигини қаердан билган бўлиши мумкин?

5. Зоопаркда

Зоопаркнинг бекилиш вақти бўлиб қолган эди. Одамлар бирин-сирин чиқиб кетаётган эди, бирдан аёлнинг бақирган товуши эшитилди. Ўрта ёшлардаги аёлнинг сумкачасини олиб қочишган эди. Аёл ўғрини орқасидан кўришга улгурган эди. Полиция инспектори ўғри кетидан ўша томонга югуриб кетади. Бир одам зоопаркдаги барча чиқиш йўлларини билишини, инспекторга ёрдам бериши мумкинлигини айтиб, у билан бирга ўғрини тутишга чоғланади. Лекин ўғрининг изини йўқотиб қўйишади. Барча чиқиш йўлларини кузатувга олган бўлишига қарамай, ўғри топилмаётганидан ҳайрон бўлган инспектор бояги ёрдам бермоқчи бўлган одамдан шубҳаланишга ўтади. “Балки бу одам ўғрининг шеригидир” деб ўйлайди инспектор, лекин шу вақт каркидонга ем бераётган кишига кўзи тушиб қолади. Ва ўғри ким эканлигини дарҳол фаҳмлайди. Инспекторнинг бундай хулосага келишига сабаб нима?

6. Эсдан чиққан қўлқоп

Жаноб Альмус хонадонидан чиқаётган газ ҳидини сезган қўшниси полицияга хабар беради. Полиция дарҳол етиб келади. Альмус ҳали буткул ҳушини йўқотмаган эди. Инспектор тез ёрдам машинасини чақиради ва жаноб Альмусни касалхонага олиб кетишади. Стул устида ётган қўлқоп инспекторнинг эътиборини тортади ва у: “Қўлқоп сизникими?” – деб Жаноб Асмусдан уни олиб кетмасларидан олдин сўраб улгуради. Жаноб Асмус қўлқоп кимники эканини билмаслигини айтади. Шундан сўнг полиция инспектори бу қилмишни содир этган шахс изини йўқотиш мақсадида қўлқопини олиб кетиш учун орқасига қайтиб келишига ишонади ва чироқни ўчириб қўйиб, уни кутади. Ярим соатлар чамаси ўтгандан сўнг эшик қия очилиб, қоронғида бир эркак йўлини ёритиш учун қўлида гугурт чақиб кириб келади. Инспектор унга қараб: “Қўлқопингни олгани келдингми?” – деб сўрайди. У: “Ҳа” деб жавоб қайтаради. Инспектор уни жаноб Асмуснинг ҳаётига тажовуз қилганликда айблайди, лекин нотаниш одам айбловни инкор қилишни бошлайди. Шунда бирдан инспекторнинг ҳаёлига бир фикр келади ва у нотаниш кишининг тунги ташрифи шубҳали бўлишига қарамай, унинг бу тажовузда айбдор эмаслигини тушунади. Нимага?

7. Олмос

Бир куни инспектор ҳузурига ҳаяжонланган Ленон хоним кириб келади. У беш каратли олмоси ўғирланганини айтади. Бу олмосни Ленон хоним ҳеч қачон тақмаганини, уни жуда ишончли жойда сақлаганини ва бу жой ҳақида фақат марҳум эрининг котиби мистер Паблер билишини гапириб беради. Мистер Паблер эса бир неча кун олдин Ленон хонимни кўргани келган эди. Инспектор мистер Паблернинг уйига боради ва бу ҳақда ундан сўрайди. Мистер Паблер эса Ленон хонимнинг олмоси ҳақида ҳеч нарса билмаслигини, унинг оиласига тегишли бўлган ва 50 йилдан бери уйда сақлаб келаётган беш каратли олмоси борлигини айтади. Бу олмосни унинг бобоси Норвегия сафарларидан бирида харид қилиб олиб келгани ҳақида гапириб беради. “Балки Ленон хоним буни билиб, шу олмосга кўз олайтираётгандир”, - дейди мистер Паблер. У ўрнидан туриб, нариги хонага бориб, олмос ва бобосининг хатини олиб келади. Хатда бобоси 1904 йилда Осло шаҳрида бувиси учун ушбу олмосни харид қилгани ҳақида сўз борар эди. Ўқиб чиққандан сўнг инспектор хат қалбаки эканлигини таъкидлайди. Хатдаги нима инспекторда шубҳа уйғотди?

8. Кул ранг “Шевроле”

6 рақами билан бошланувчи кул ранг “Шевроле” бир аёлни уриб қочиб кетади. Инспектор Вернер билан сержант Фитт жаноб Нилендернинг вилласига етиб келдилар, сабаби унинг ҳам худди шундай автомобили бор эди. Улар етиб келганларида содир этилган ҳодисадан эндигина ярим соатча вақт ўтган эди. Автомобиль вилланинг олдида турар эди. Инспекторни кўрган жаноб Нилендер уй кийимида уларнинг олдиларига чикди. Инспекторнинг гапини эшитгандан сўнг:

- Мен бугун ҳеч қаерга борганим йўқ. Кеча калитини йўқотиб қўйдим, янгиси эса жума куни тайёр бўлади, - деди.

Автомобилни кўздан кечиришга улгурган сержант секингина инспекторга шивирлади: “Рост гапираётганга ўхшайди, чунки машинанинг ҳеч қаерида ҳеч қандай эзилган жой йўқ”. Инспектор эса капотнинг устига ярим ёнбошлаб жавоб берди: “Ахир жабрланувчи тирик-ку, кучсиз зарба билан урилган”.

- Сизнинг жавобингиз менга шубҳали туюляпти, жаноб Нилендер, калитни қаерга беркитдингиз? – гапида давом этди инспектор, - ҳозиргина шу автомобилда келдингиз-ку, нимага тўғриси айти қолмаяпсиз?

Инспектор нима сабаб Нилендернинг гапларидан шубҳаланиб қолди?

9. Сирли қотиллик

Эрталабки соат 8. Нақ юрагига ўқ теккан эркак ўз кабинетининг полида ётар эди, ёнида ўқ узилган ўша револьвер. Шифокор унинг кеча кечқурун ўлганини қайд этди. Инспектор марҳумнинг бевасини диққат билан тинглади:

- Мен кеча 19.30 даги поезд билан келдим, бир неча дақиқалардан кейин уйда эдим. Турмуш ўртоғимнинг кабинетига киришни хаёлимга ҳам келтирмадим, чунки унинг қишлоқдаги дўстиникида эканлигига ишончим комил эди. Ётоқхонамга кириб жомадонимни бўшатиб, ўрнимга ётдим, бирпас китоб ўқидим, чунки дарров уйқум келмади. Ҳеч қандай шубҳали товушни эшитганим йўқ. Эрталаб мени эримнинг котибаси шум хабар билан уйғотди, - деб батафсил гапириб берди.

Шундан сўнг инспектор марҳумнинг котибасини тинглади:

- Хўжайин мени бугун эртароқ келишимни сўраган эди, мен ҳар доимгидек унинг кабинетига терраса орқали ўтмоқчи эди, лекин ойнаванд эшик ичидан қулфланган эди. Ойна орқасидан марҳумнинг ерда ётганини, ёнида пистолет борлигини кўрдим ва асосий эшикка бориб, беваларини уйғотдим, - деб гапириб турганида бирдан уйғотгич-соат жиринглаб қолди.

Шунда инспектор марҳумнинг ўз жонига қасд қилмаганини тушунди. Инспектор қай бир аёлдан шубҳаланди?

10. Контрабандист

Бир куни сержант Фитт инспектор Вернерга жаноб Ремер контрабанда билан шуғулланишини гумон қилаётгани ҳақида айтди. Ремер тез-тез фирма ишлари билан хорижга бориб туришини, ўзи билан кичкина жомадон кўтариб юришини гапириб берди. Узун-қулоқ гапларга кўра у чет элдан унча катта бўлмаган порцияларда героин олиб келар экан. Божхона текширувида ҳеч қандай шубҳали буюм аниқланмаган. Сержант доим Ремер жомадонида олиб юрадиган буюмлар рўйхатини кўрсатди: ётоқ кийими, иккита кўйлак, хавфсиз пска, соқол олиш учун крем, тиш пастаси, совун, одеколон, сочиқ, тароқ, бир жуфт пайпоқ, шиппак, қоғоз учун папка ва қалин шарф. “Ҳаммаси шуми?” – деб сўради инспектор. Сержант тасдиқлади. Инспектор: “Унда тушундим, - деди – Ремер героинни ... солиб олиб келади”.

У нимага солиб олиб келади? Инспектор қандай хулосага келди?

11. Мерос васиятномаси

Якшанба куни оқшомда уйида дам олаётган инспектор Боргни сержант Глум ўз ташрифи билан безовта қилди. Борг Глумдан нима гаплигини сўради. Глум яна мерос бўйича иш уни ўйлантираётганини айтди. Тўсатдан вафот этган нефть магнати Грэг Чебуракис меросини жуда кўп йил маҳбубаси бўлган аёлга қолдириши ҳаммага маълум эди. Лекин вафотидан бир кун олдин маҳбубасининг хиёнатини эшитган Грэг васиятномасини йиртиб ташлаганлигини сержант гапириб берди. Демак, ягона ворис Грэгнинг узоқ қариндоши эканлиги аниқ бўлади. Аммо бир ҳафта олдин собиқ альпинизм инструктори Нехороски деган одам Чебуракиснинг анча йил олдин ўз қўли билан ёзиб берган хатини кўрсатади. Мазкур хатда Чебуракис унинг бебаҳо ҳаётини сақлаб қолгани учун инструкторга ярим давлатини мерос қолдириши ёзилган бўлади.

- Шундай бўлган эканми? – сўради Борг.

- Аниқ маълумот йўқ, унинг гапларига кўра Грэг 20 йил олдин Ҳимолай тоғлари чўққисига чиққанида пастга қулаб тушиишга бир баҳя қолган экан, шунда инструктор унинг ҳаётини сақлаб қолган экан. Эвазига Грэг унга мол-мулкининг ярмини мерос қолдириши ҳақида қоғоз ёзиб қолдирган экан.
- Унда муаммо нимада? – сўради Борг.
- Чебуракиснинг ўзи бу ҳақда ҳеч кимга гапирмаган, эксперт-графолог ҳам аниқ жавоб айтолмади, чунки 6000 м баландликда ёзувнинг айнан бўлишига кафолат йўқ. Мана ўша қоғоз, сиёҳи ёйилиб кетган, лекин ўқиса бўлади.
- Хат қалбаки!

Нимага инспектор Борг бундай хулосага келди?

12. Арқон

Жорж Хенсон ўз кабинетида шериги Жим Диккенс билан музокара олиб бораётганида бирдан ёнғин бошланади. Диккенснинг кўрсатмаларига кўра у деразадан арқон ёрдамида тушиб қутулиб қолади, Хенсон эса касалманд ва кекса бўлганлиги сабабли арқон орқали тушолмайди. Диккенс пастга тушгач, унга ёрдам беришларини сўраб ҳаракат қилгунга қадар кеч бўлади. Арқонни синчиклаб ўрганган инспекторни унинг янгилиги, фақат бир учигина куйганлиги ҳайрон қолдиради:

- Хенсон бу арқонни яқиндагина жияни учун сотиб олган экан, ёнғинни сезишим билан унинг кабинетида ётган шу арқонни олиб, оғир мебелга боғладим ва бунинг ёрдамида пастга тушиб олдим, оҳ, қанчалар кўрққанимни билсангиз эди, - деди Диккенс.

Сўзини тугатгандан сўнг у инспектор билан хайрлашиш учун ҳеч уринмаган кўлини узатди. Инспектор унга бепарволик билан ҳибсга олинишини айтди.

Нимага инспектор Диккенсни айбдор деб ўйлапти?

13. Очиқ қолдирилган сейф

Катта бизнесмен Грен эрталаб ишга келганида уйидаги кабинетининг сейфида керакли ҳужжатларни эсидан чиқариб қолдирганини ва уларни олиб келиш учун котибини уйига жўнатгани ҳақида инспекторга гапириб беришни бошлади. Грен гапида давом этаркан, орадан 20 дақиқача вақт ўтгандан сўнг котиби унга телефон қилиб, унинг кабинетидаги сейф очиқ ётганини, ичидаги қоғозлар полда сочилиб ётгани ҳақидаги хабарни етказганини айтади. Грен уйига етиб келади ва ҳамма ҳужжатлари жойида эканлигини,

фақат сейфида сақлаган пуллари йўқлигини билади. Инспектор ундан сейфнинг кодини котибдан бошқа яна ким билишини сўради. Грен бу ҳақда ўзи билан бирга яшайдиган жияни Гектор ҳамда уй хизматчиси бўлган аёл билишини ва уларга у тўлиқ ишонишини ҳам таъкидлаб айтди.

Инспектор сейфни, кабинет эшигини, телефонни ва столни синчиклаб кўздан кечирди, ҳеч қандай бармоқ излари йўқ эканлигига ишонч ҳосил қилди. Ҳаммаёқ яхшилаб артиб қўйилган эди. Шундан сўнг инспектор учта гумондорни чақириб гаплашиб кўрди ва улардан бирини айблади. У ким эди?

14. Музей

Пойтахт музейларидан бирида янги экспонат – жуда қимматбаҳо бриллиант пайдо бўлди. Бунинг учун кучайтирилган кўриқлаш хизмати ажратилди. Бриллиант сақланадиган ойнага сал тегиб кетилса ҳам, сигнализация ишлаб кетар экан. Бир куни экскурсия гуруҳи ташриф буюрди, мазкур гуруҳда ёқимсизроқ ширакайф бир йигит бор эди. Қандай қилиб бундай аҳволда кўриқлаш хизматидан ўтгани тушунарсиз эди. Бу гуруҳ бриллиант сақланаётган хонадан чиқиши билан сигнализация ишлаб кетди. Бир неча ондаёқ кўриқчилар етиб келишди ва бриллиант сақланадиган шиша кути синиб ётганини, бояги маст йигит эса унинг ёнида йиқилиб ётганини кўришди. йигитнинг қўлида коньяк шишаси бор эди. Бриллиант эса жойида эди.

Касалхонада бу йигитдан қон таҳлили олишди. Қондаги алкоголь миқдори меъёрдан ортиқ чиқди. Суд унга безорилик учун бир йил шартли жазо муддати белгилади. Бироқ йигит ҳаммаси шундай ҳал бўлганидан жуда мамнун эди. Нима учун деб ўйлайсиз?

15. Заргарлик дўконидаги ўғрилик

Заргар чаккасини ушлаган ҳолда инспектор Вернерга бўлиб ўтган ходиса ҳақида гапириб берар эди:

- Келган харидор жуда басавлат ўрта ёшлардаги кўзойнак таққан одам эди. Бадавлат тижоратчига ўхшар эди. у қимматбаҳо тошли бир неча узук танламоқчи бўлди. Мен унга бир неча хил узук намуналарини кўрсатишни бошладим. Бирдан унинг қўлида тўппонча пайдо бўлди ва менга қимирламаслигимни айтди. Кейин у бошимга қаттиқ нарса билан урди, мен бир неча дақиқага хушимни йўқотдим. кўзимни очганимда ҳалиги одам эшикдан чиқиб кетаётган эди. Мен эшикка

етиб боргунимча у кўздан ғойиб бўлибди. Унга кўрсатганим бир неча хил узук намуналари, табиийки, у билан бирга ғойиб бўлган.

- Улар суғурта қилинганмиди? – сўради инспектор.
- Албатта. Агар сиз уларни тополмасангиз, суғурта компанияси менга зарарни қоплаб беради, - деди заргар.
- Мен ундай деб ўйламайман, менимча, сиз бу воқеани суғурта пули олиш учун ўйлаб топдингиз. Лекин “ўғрилиқ” ҳақидаги бу уйдирмани етарлича ўйлаб чиқмагансиз.

Заргар қаерда хатога йўл қўйди?

16. Сувдан қуруқ чиқишнинг иложи йўқ

Инспектор Варникенинг Зебад курорт шаҳарчасига биринчи кун келиши билан бахтсиз ҳодисага дуч келди. Қирғоқдан 200 м наридабир аёл чўкиб кетибди. Маҳаллий полиция ходими дарҳол сувдан эндигина чиққан ўша аёлнинг эрини қўлга олди, чунки у қасддан қотилликни гумон қилган эди.

- Биз угорь балиқларини овлаш мақсадида қирғоқдан узоққа сузиб кетдик, - деди аёлнинг эри, - мен рафиқамнинг ёрдам сўраб бақирганини эшитганимда ундан анча нарида эдим. Мен нима бўлганини айтолмайман: юраги хуруж қилдими, томири тортишдими. Тезда унинг олдига сузиб бордим, сочидан ушлаб қирғоқ томонга судрай бошладим. Лекин қирғоқ жуда узоқда эди, кучим умуман қолмаган, жуда чарчаган эдим. Рафиқамнинг сочлари кўлимдан чиқиб кетди ва у пастга қараб чўка бошлади.
- Рафиқангизни сиз чўқтиргансиз демоқчи эмасман, - деди инспектор, - лекин сиз унга умуман ёрдам бермагансиз. Онгли равишда унинг сув тубига қараб кетишига йўл қўйгансиз, ўзингиз эса нафақат сувдан омон сузиб чиқдингиз, балки сувдан қуруқ чиқишга ҳам ҳаракат қияпсиз.

Инспектор Варникенинг тахминий хулосасига сабаб нима?

17. Детектив бошқотирма

Инспектор Вернер жинойтчиларнинг исмлари Габер, Костан, Берт ва Претцел эканлигини аниқлади. Шу билан бирга маълум бўлдики, уларнинг бирортаси ҳам ўз фамилиясининг ўрнига дўстларидан бирининг фамилияси билан юрар экан. Демак, ҳақиқий Габер ўзини Костан ёки Берт ёки Претцел деб таништирар экан, худди шундай бошқалари ҳам.

Флешер деган кимса жиноят олами билан алоқаси борлиги сабаб инспекторга керакли маълумотларни беришга рози бўлади. Улар “Тонг” кафесида учрашишга келишишади. Инспектор сержант Фитт билан кафега борганида Флешер ўша ерда экан.

- Эшитишимча, ҳақиқий Берт Габер фамилияси билан, Претцел эса Костан фамилияси билан яшириниб юришар экан, - сўради сержант.
- Мен эса Претцел Габер фамилияси билан, Берт эса Претцел фамилияси билан ўзини таништирар экан деб эшитганман, - деди инспектор.
- Ҳар бирингиз фақат битта ҳолатдагина топдингиз, бошқасида адашдингиз, - жавоб берди Флешер. – Аслида ...

Бирдан Флешерни йўтал тутиб, ранги оқара бошлади, икки қўли билан томоғини ушлаб олди. Бир дақиқа ўтиши билан жони узилди. У ичаётган пиво заҳарланган эди.

Лекин инспекторга жиноятчиларнинг ҳақиқий фамилияларини аниқлаш учун Флешер етарли маълумотни бериб бўлган эди.

Уларни топишга ҳаракат қилиб кўринг.

18. Жиноят содир этилмай қолди

Сан-Франциско шаҳрининг полициясига келиб тушган баъзи маълумотларга кўра миллионернинг рафиқаси миссис Андерсоннинг қимматбаҳо буюмлари ўғирланиши кутилмоқда эди. Миссис Андерсон биринчи даражади меҳмонхоналардан бирида яшар эди. Худди шу ерда ўғирликни қасд қилган жиноятчи ҳам яшар эди. Миссис Андерсоннинг хонасида изқувар бир неча кун жиноятчини ушлаш умидида навбатчилик қилди, лекин натижа бўлмади. Миссис Андерсон унга ҳазиллашишни бошлаган эдиямки, кечқурун хонасининг эшиги тақиллаб қолди. Эшик очилиб, бир нотаниш эркак кириб келди, миссис Андерсонга кўзи тушди ва адашганлиги учун узр сўради:

- Бу аниқ менинг хонам деб ўйлабман, ҳамма эшиклар бир-бирига жуда ўхшаш экан, - деди нотаниш. Шунда беркиниб турган изқувар дарров чиқиб эркакни ҳибсга олди.

Қаердан изқувар нотаниш кимсанинг жиноятчи эканлигини фаҳмлади?

19. Дурадгорлик устахонасида

Инспектор Вернер дурадгорлик устахонасига етиб келганида дурадгорнинг хонанинг ўртасида ўлиб ётганини кўради. Остонада дурадгорнинг кўшнилари туришарди. Улар дурадгор шогирди билан уришиши натижасида оламдан ўтганини таъкидлашади. Бундан ташқари улар кўп йиллардан бери шу кўп қаватли уйда устахонасини юритиб келаётган кўшниси ҳақида бир қанча маълумотларни айтишди. Уста жигарига пичоқ урилишидан ўлгани ҳам маълум бўлди. Шогирди уста зарбадан кейин қандай йиқилган бўлса, шундайлигича ётганини, унга тегмаганини айтади. Дурадгор курагида ўнг кўли бошининг юқорисида ярим очик ҳолда ётар эди, қонли кафтида эса оғир болганинг тутқичи бор эди.

- Мен ўзимни ҳимоя қилдим, - деди шогирди, - уста тез-тез эс-хушини йўқотгунча ичар эди. Бугун менга болға билан отилди, бошимни ёрмоқчи эди. Мен ўзимни ҳимоя қилиш учун пичоққа ёпишдим, мен уни ўлдирмоқчи эмас эдим, афсуски, пичоқ тегиб кетди.
- Қизик, дурадгор пулларини сақлаган тортма очилган ва ичи бўм-бўш, - деди инспектор. – Яна бир ҳолат борки, сиз ўзингизни ҳимоя қилиш мақсадида ҳаракат қилмаганингизга ишора қилади ...

Бу қандай ҳолат?

20. Дераза

- Менинг фамилиям Стецковский. Жаноб Смитнинг вилласидаги кабинетидан кўнғироқ қилияман... Вилла ... манзилда жойлашган. Жаноб Смит ёзув столининг ёнидаги креслода жонсиз, - деди телефондаги овоз, - у бошининг орқа қисмидан яраланган.

- Илтимос, ҳеч нарсага тегманг ва бизни кутинг, - жавоб берди инспектор Вернер ва сержант Фиттни чақирди. Ўн дақиқа ўтар-ўтмас иккала полициячи воқеа жойига етиб келишди.

Холлга кирганлари заҳоти инспектор ўнг томондаги эшикни очди. Эшикни очиши билан кучли елвизак стол устидаги қоғозларни тозаланган паркет устига учуриб туширди. Креслода эса Смитнинг жасади ўтирар эди. Кабинетда жаноб Стецковский бор эди. У инспектор ва сержант келгунларига қадар ҳеч нарсага тегмаганини таъкидлади. Смитга дераза орқали кимдир ўқ отган де ўйлаётганини ҳам кўшиб қўйди. Стецковский уларни дераза ёнига етаклади, ҳақиқатда, деразанинг тагидаги гулзорда эркаклар оёқ кийимининг излари бор эди. Бир дақиқадан сўнг инспектор Смитни ҳақиқатда деразадан отиб ўлдирганликлари ҳақида таассурот уйғонишини, лекин аслида уни Стецковский ўлдирганини қайд қилади.

Инспектор нимага асосланиб Стецковскийдан шубҳаланди?

21. Ўхшамаган ёлғон

Росселодан Помдорфга мотоциклда қайтаётган сержант Фитт йўлнинг чап четида ётган одамни кўриб қолади. У ҳушини йўқотган бўлиб, сержант қанча уринмасин уни ҳушига келтиролмайди. Сержант йўлакай машинада жабрланганни Росселога, энг яқин касалхонага олиб боради, касалхонада кўрстилган тиббий ёрдамдан сўнг жабрланган киши кўрсатма беради. Кўрсатмани қоғозга туширган сержант уни инспектор Вернерга етказди. Унда: “Менинг фамилиям Вельтер. Бугун шосседа йўлакай автомашинани тўхтатдим, ”